

Шоҳруҳ МИРЗО

**МАФТУНИНГМАН**  
Шеърлар

MAJBURIY NUSXA

Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2013

84(59)7 - 1985. оғод.

УЎК Ўз. 2

КБК 84(5Ўзб)-3

Б 79

*Шеърият-қўнгил изҳорини бадиий намоён  
қилишининг энг гўзал усулидир.*

*Бироқ ҳар ким бу усулдан моҳирона  
фойдаланавермайди.*

*Шоҳруҳ ҳам қалб кечинмаларини шеърий  
тарзда ифодалашга ҳаракат қилибди.*

*Шоҳруҳбекдан келажакда янада қўнгилга  
яқин сатрлар кутуб қоламиз.*

2013/91	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
A 6769	

Б — 4702620202-23 23-2013 © Ш. Бобоев, 2013 йил.

ISBN 978-9943-18-124-3

© “Насаф” нашриёти, 2013 йил.

10 41314  
0

## МАФТУНИНГМАН

Кұхна дунё яралған азалдан бир кам,  
Сени севдим гүзалим, жоним Мафтунаң.  
Балки сенга лойиқмасдир, күнгилгинам,  
Не бұлсада энди сенинг мафтунингман.

Қарагин икки ошиқ боғда юрибди,  
Ёрин мафтун қиласай деб қошин терибди.  
Йигит күzlари баҳтни шундай күрибди...  
Булма хафа сабаб сенинг мафтунингман.

Күй тингласанг куйингда доим бұлойин,  
Хаёл сурсанг хаёлинг үзим бузойин.  
Ёнимда бұл күзингга қараб түёйин,  
Хаёлингни бузган ошиқ мафтунингман.

Күп бора қийнадингку фироқ дардида,  
Шоҳ ҳам үзим, гадо ҳам..., севги қасрида.  
Хабаринг бор ожизман күнгил дарсида,  
Ҳар қанча азоб берсангда мафтунингман.

Ишқим түшдику сенга нозанин Мафтун,  
Күнглим ярим сен сабаб гүзалим Мафтун.  
Қийнар дилим бир азоб сұрагин Мафтун,  
Мафтун күз тиккан йулингта мафтунингман.

## МЕН ҲАМ МАЖНУН

Йүлингта күз тиккан күзларим толмиш,  
Хурлиқо сени деб бу жисмим ёнмиш.  
Гулім, сени куттан юрагим bemор,  
Тұғриси ҳолимдан бир бор хабар ол.

Сұрмайсан ҳолимни бевафогинам,  
Келишиң кутаман дилозоргинам.  
Лек йүқсан ёнимда ҳамон кутаман,  
Келмасанг, келмасанг ёлғиз үтаман.

Бир сабаб боқаман бирдан ортимга,  
Күп сұқмоқлар үтган ҳаёт йүлимга.  
Паст-баланд йүлларда рост-ку юрганим,  
Эслайман ҳақ йүлда сени куттаним.

Кутгандим қанчалар, бироқ келмадинг,  
Оқибатсиз ҳолим үйлаб күрмадинг.  
Үйлайман ҳар оқшом күкка күз тикиб,  
Қачон күрсам дея хаёлга чүмиб.

Тонг отса йүлингда тураман яна,  
Балки бугун сени күраман дея...  
Барча умидларим хазон бүлди-ку,  
Жамолинг бугун ҳам армон булди-ку.

Күзларим зор пойлаб қотди йүлингга,  
Билгин, бу ҳаётим сенинг қўлингда.  
Раҳм қилгин гўзалим, телба Мажнунга,  
Рад этма севгимни, бўлай ёнингда.

## МАҶЮС КУЗЛИГИМ

Хувуллаб қолди-ку қалбимнинг тўри,  
Сени олиб кетган йигитнинг зўри.  
Дод солиб йигладим билдим сен рўё,  
Суқир кўзимга тор бўлганда дунё.

Кўзга уйқу келмас бир сени үйлаб,  
Энди ўтсам керак васлингни куйлаб.  
Тугаб битмас ширин бахтларни тилаб,  
Йигладим ягона расминг қучоқлаб.

Кўзимдан ёш эмас армон оқади,  
Хаста қалбга ширин сўзинг ёқади.  
Софиндим-ку жуда, маъюс кўзлигим,  
Аҳди битта лекин, икки сўзлигим.

Алладинг ширин сўз, бердинг ваъдалар,  
Бас ҳаёт тўқмоғи қаттиқ савалар.  
Синган бу кўнглимни алам қийнайди,  
Узун соchlарингни ўзга силайди.

Узга уйга кетдинг мисоли оқ қуш,  
Бұлса қанийди бу энг ёмон бир туш.  
Хұп майли, бағылғы бұл, нима ҳам қилдим,  
Тақдир бу не қилай, борига қүндим.

## ЙҰЛИҚДИМ

Тұлин ой чиққанки гүзалдир осмон,  
Күрганим бир жонон үйлайман ҳамон.  
Шу онда бир ажиб дардга йұлиқдим,  
Бу дард энди мени құюрму омон.

Йұлиқған бу дардим бедаво экан,  
Буни билмади-ку биргина эркам.  
Билғанда охларим ул сарвиқомат,  
Дардимни бедаво демасдим ҳеч ҳам.

Осмон гүзал, қараб үйга толаман,  
Саңарда күрмасам ишон, ұламан.  
Бас, тонгача етса-ку сабрим, жоним,  
Дардимга малҳамни шунда топаман.

Топғанда ягонам қүйирмам юзда,  
Боқиб гул рухсоринг жойларман күзга.  
Йұлиққан дардимга шукронға айтиб,  
Битурман янги күй сен берган созда.

Бир дардга йулиқдим тотли муҳаббат,  
Юрап йўл қолмади уйлайман фақат.  
Бир дардга йулиқдим ўтли муҳаббат,  
Борар жой қолмади куйлайман фақат.

## ҚАНИЙДИ КЎРСАМ

Соғинч ўртагандир балки қалбингни,  
Қани энди олсам бирор дардингни.  
Аламдан азоб бор икки кўзингда,  
Билсанг бўлармиди асли қадрингни.

Нима сабаб булди ғамгинсан жоним,  
Ахир сен учун мен бераман борим.  
Айтақол дардингни имкони бўлса,  
Аслида яшарман сени деб, ёrim.

Эшитиб дардингни, дардларинг олай,  
Ўзим бор ҳасратинг давоси бўлай.  
Берсанг имкон, гулим, боқиб юзингта,  
Сен учун, сен учун менгина үлай.

Кўзим тўймас асло боқиб жамолинг,  
Қанчалар ярашган юздаги холинг.  
Қизғонаман сени ҳаммадан десам,  
Уятдан қизарар икки ёногинг.

Тонгда күзим очиб қанийди күрсам,  
Кулиб турган чөхранг менинг фариштам.  
Боқиб күзларингга қанийди үлсам,  
Юрак құримдаги гулим, Мафтунаам.

## АКАМ

Керак дерлар ҳаётда улкан тажриба,  
Омад келиб ишларим бұлса авжида.  
Майли ҳатто ёнсамда ёрнинг ҳажрида,  
Сиздан сабоқ олиб үтади умрим.

Керак дерлар ҳаётда бұлмоқлик баҳтли,  
Яна құшиб қуярлар бұлғин сен тахтли.  
Акам майли турмангда бир сұзга ахдли,  
Сиздан сабоқ олиб үтади умрим.

Акам үзи мен учун бус-бутун сиймо,  
Күп күрганмиз аслида тордир бу дунё.  
Яхшини күрган куни рости чин рүё,  
Сиздан сабоқ олиб үтади умрим.

Неки, истасам бир күн эришгум албат,  
Булмасин қалбингизда ҳеч қачон нафрат.  
Кулинг!... Синманг келсада оғир бир кулфат,  
Сиздан сабоқ олиб үтади умрим.

Йигитмиз не сұрасак бергувчи худо,  
Она халқым құл очиб үқийди дуо.  
Эзгулик қалбингизда бұлмасин адо,  
Сиздан сабоқ олиб үтади умрим.

## МОХИМ

Күкларни қучоқлаб кетаман энди,  
Золимсан, яшаб мен нетаман энди.  
Сенинг учун гулим, фақат сен учун,  
Қанча азоб бұлса чекаман энди.

Майли, бирор кунда үйлама мени,  
Фарёд уриб йиглаб эслама мени.  
Куз ёшиңг азизам күрмайин асло,  
Деб ёнар булсамда тинглама мени.

Қанча хасратим бор, шеърга жойладим,  
Неча бор ягонам йүлинг пойладим.  
Азизам бир бора имкон бермадинг,  
Оқибат осмонни маскан айладим.

Осмону фалакка сигмасди оҳим,  
Дардимнинг давоси сен эдинг, моҳим.  
Жоду құzlарингга боқсам қачонки,  
Унугардим бұлса, ҳар қанча оҳим.

Түн узүн, отса тонг кетишим ростдир,  
Ёниб ҳануз сени кутишим ростдир.  
Хабар келмас экан шунда ҳам сендан,  
Бор дарду аламни ютишим ростдир.

Кетаман, кетаман күкни қучоқлаб,  
Балки йиглар золим мени суроқлаб.  
Энди бұлди кеч, жоним энди-ку кеч,  
Қайтмас бұлиб кетдим сендан йироқлаб.

Кетаман, кетаман ёрни суроқлаб,  
Балки йиглар жоним қабрим қучоқлаб.

## МАФТУНГА...!

Мұхаббат күчасига кирмаган әдим,  
Нече бор бу дунёда севги йүқ дедим.  
Күнлар келади ҳатто бир малак учун,  
Бераман жонимни деб үйлаганмидим.

Гар сұрасанг жонимни, жонлар беройин,  
Фақат чимилдиқ ичра сени күройин.  
Чиройли рухсорингіта термулиб тунда,  
Тонглар отгунча узун сочинг таройин.

Мафтуна дебон юрган үша яна мен,  
Сенга атаб шеър ёзган Мирзо мана мен.  
Келиб ёлғон дунёдан нима ҳам құрдим,  
Хажрингда адо бұлдим такрор ёна мен.

Ожиз қолар забоним қаршингда турсам,  
Чорасизман севгимни рад этсанг эркам.  
Зулмат ичра жим..., узун тунни кузатиб,  
Шеърлар битдим билмадим қанчалик құркам.

Аламзада юрибсан эшиздим күп бор,  
Бузиб қўйдим ҳётинг бўлма дилозор.  
Қўйгин үша ғуруринг бир марта Мафтун,  
Бу ошиқ қалбим сенга ростдан харидор

Фарҳод-Шириң бир-бириң қанча сенсалар,  
Мен ҳам сенга ошиқман Мафтуң шунчалар.  
Нозларингга чек қўйиб тингла сўзларим,  
Кийнамасанг бўларди жоним бунчалар.

Рози бўлсанг Мафтуна тўйлар қиласиз,  
Худо хоҳласа бизлар баҳтли бўламиз.  
Сўраганман Аллоҳдан кўп бора сени,  
Севги тарихида биз мангу қоламиз.

Билсам фарзанди кўпни бой одам деркан,  
Мен ҳам истайман билсанг бой бўлиш эркам.

## СОГИНЧ АЗОБИ

Сенсиз яшарканман ҳар сафар тонгда,  
Юзимга урилар ғамгин шамоллар.  
Асли ёдимдасан ҳар вакт, ҳар онда,  
Қочар олиб сенга ширин хаёллар.

Кувдилар неча кун, лек кетолмадим,  
Деразанг остида интизор күзим.  
Олиссан сабабини тополмадим,  
Асло эшитмадинг аламли сүзим.

Кетар олиб фироқ бир кун ахтариб,  
Бу кун үлганимда булар эҳтимол.  
Тобутга михланган жисмим күтариб,  
Дүстларим ҳолимдан кулар эҳтимол.

Майлида айлансин севгим саробга,  
Шу кунни кутарман балки интизор.  
Қайси ошиқ етган осон муродга,  
Дод согинч азоби айлади-ку хор.

Рост гапим синовлар шафқат билмади,  
Ёндику юрагим согинч ўтида.  
Үлар бўлдим, аммо гулим келмади,  
Мазмунсиз ҳаётдан охир-оқибат.

## ТАНЛАДИМ

Билмадим қалбингда нелар пинҳона,  
Кўзингга термулиб қалбинг кўролсам.  
Самиими сан, юзингда бордир нишона,  
Худойим, танладим бўлмасин хато.

Илк бора кўргандим тасодиф сени,  
Утгандинг тезгина, бўлгандим ҳайрон.  
Ўшанда аҳд қилдим кечиргин мени,  
Худойим, танладим бўлмасин хато.

Шу-шу сен ёдимда, урганда юрак,  
Исмингни такрорлар ички бир овоз.  
Энди дунё эмас фақат сен керак,  
Худойим, танладим бўлмасин хато.

Режалар тузаман куннинг тонгида,  
Боғлиқдир ўйларим сен билан фақат.  
Тин билмай кутаман уйинг олдида,  
Худойим, танладим бўлмасин хато.

Қоп-қора сочларинг ақлимни олар,  
Қачонки сен ёнимдан ўтганингда.  
Кўзларим орtingдан термулиб қолар,  
Худойим, танладим бўлмасин хато.

Құлингни сұраб-ку боришар бугун,  
Рози бұл рад этма қарорим шудур.  
Әхтимол юзингни күришар бугун,  
Худойим, танладим бұлмасин хато.

## МЕНГА ҚАНДАЙ ЯШАШНИ ҮРГАТМАНГ

Қалбим тұрида орзу-умидларим бор,  
Билманг армон деб, такрор келади баҳор.  
Мен яшаган асли бу жаннати диёр,  
Менга қандай яшашни үргатманг дүстлар.

Юрагимда мақсадим сақлайман пинҳон,  
Шунда балки қолмайди қалбимда армон.  
Азизларим сиз учун бу жоним қурбон,  
Менга қандай яшашни үргатманг дүстлар.

Қанча шоир үтаркан орзулар қиласы,  
Гар ишонса албатта рүёбин күрар.  
Сұрасанғиз, худойим бир куни берар,  
Менга қандай яшашни үргатманг дүстлар.

Үтиб боради ҳаёт мисли бир карвон,  
Балким етар манзилга, балкида армон.  
Не бұлсада барига үзимдир сарбон,  
Менга қандай яшашни үргатманг дүстлар.

Чин сұзларимни сиз оғир олмангиз,  
Бу үткинчи дунёда армон бұлмангиз.  
Хаёт йули мураккаб яшаб толмангиз,  
Менга қандай яшашни ўргатманг дұстлар.

## ЮРАГИМ ЙИГЛАЙДИ ЁШ ЙҮҚ КУЗИМДА

Юрагим брезовта нега билмадим,  
Нигорим күзингга боқиб түймадим.  
Кузларинг яшириб кетган кунингдан,  
Сени қанча күтдім ҳатто сезмадим.

Юрагим қайғуда охиста урап,  
Қачон ошиқ күзлар рухсоринг күрар.  
Армон бұлмасин дея ой жамолинг,  
Уттан ҳар одамдан исмингни сүрар.

Юрагим йиглайди ёш йүқ күзимда,  
Турган әдім айтган ҳар бир сұзимда.  
Нигорим, сен учун берардим жоним,  
Лек бевафо кетдинг боқмай юзимга.

Юрагим сезғанди етганин фурсат,  
Начора чидайман қиласман тоқат.  
Лекин исминг қолар ёдимда доим,  
Юлдузим кетавер баҳтли бұл фақат.

Юрагим шивирлаб менга айтади,  
Үйлама, қизгина бир кун қайтади.  
Шу кунни кутдим-ку умрим кетсада,  
Келмадинг, юрагим энди нетади.


## ЗЕБО

Ширин хотиралар сени эслатар,  
Ушалмаган орзу қалбим йиглатар.  
Сен йўқсан-сен йўқсан ёнимда, Зебо,  
Энди қайдан топгум гўзалим, Зебо.

Биз бирга булдик, рост аммо кўп эмас,  
Хижронга бу кўнгил асло хўп демас.  
Қизалогим йиглар қайдасан, Зебо,  
Юрак бағрим тиглар келмайсан, Зебо.

Кетдинг воҳ дард сабаб менга айтмабсан,  
Билиб, бу йулингдан асло қайтмабсан.  
Бағритош ёрингни кечиргин, Зебо,  
Бепарво кўнгилни кечиргин, Зебо.

Биламан, энди кеч қайтмайсан асло,  
Жон қизим, жоним деб айтмайсан асло.  
Булгин сен жаннати жонгинам, Зебо,  
Унутмасман, ўзинг ягонам, Зебо.



Фарзандимиз сабаб яшаб қоламан,  
У булмаса мен ҳам аниқ үламан.  
Қош-күзинг қизингда такрордир, Зебо,  
Хуснда үхшар сенга бетакрор, Зебо.

## БАРЧАДАН КҮРКАМ

Зулм истаб келдимми ёнингта,  
Жабр истаб севдимми санинг-да.  
Ошиқ қалбни қилмадинг писанд,  
Айт, севгим каммиди манингда.

Курдим сени ортиқ жонимдан,  
Юрдим ҳар кун ахир ёнингдан.  
Неча кунки күрмадим сени,  
Бир хабар олмадинг ҳолимдан.

Аҳволим чин ёмон билмайсан,  
Сенсиз Мирзо тамом келмайсан.  
Яшаяпман шу ҳаёт бўлса,  
Қалб сира қувонмас, кулмайсан.

Кет-кетавер истасанг эркам,  
Ўзга керак сенга маликам.  
Менда бордир оташин юрак,  
Эдинг узинг барчадан күркам.

Қош-құзинга мафтунлигим рост,  
Исмингга мос здинг-ку чарос.  
Бор-боравер мендан олисга,  
Очилғандир у гуллар қийғос.

## БИР ТОМЧИ ЁШ

Йигласам дод солиб кетарми ғамим,  
Тарқ этарми ичимдаги бу дардим.  
Не қилай, не қилай синган қүнгилман,  
Етмади-ку, фақат Моҳимга оҳим.

Ғам ютсан “дұст”ларим бұларми хурсанд,  
Не қилай гүзалим ёнимда йүқсан.  
Чорасиз ошиқнинг борар йули йүк,  
Қай кетай доимо ёдимда бұлсанг.

Ошиқман аслида, лек жуда ожиз,  
Қанийди яшолсам ягонам сенсиз.  
Үткир күзларимни тикиб құзингта,  
Қанийди термулсам бұлгунча нурсиз.

Афсус орзулардан фойда йүқ энди,  
Армонлар қүнгилни әгаллаб булди.  
Энди эса хазон қалбим ҳувуллар,  
Сабаб қүнгилгинам борига қүнди.

Мұҳаббат одамни улуглар экан,  
Мұҳаббат минг йилда бир келар экан.  
Қалбда орзулари тош қотган тунда,  
Аччиқ армони күп, күп йиғлар экан.

Топганим не бұлди топмаганим-чи,  
Яхши қызың қолимни бир бор сұранг-чи.  
Бу нурсиз құзларга узоқ тикилиб,  
Ёшланар құзларинг, томар бир томчи.

## КЕТАР БҮЛДИМ

Йиллар сени кутгандим.  
Хар тун тушда күргандим,  
Меники деб юргандим,  
Кетар бүлдим йирокқа,  
Кутиб ётган тупроққа.

Қанча-қанча орзулар,  
Армондир энди улар,  
Сочларинг үзга силар.  
Кетар бүлдим йироққа,  
Армон тұла тупроққа.

Согинди қора ер бугун,  
Согинмадинг жонгинам Мафтун.  
Фақаттина севганим учун,  
Кетар бүлдим йироққа,  
Согинган бу тупроққа.

Хафасан, күзларингда ёш,  
Фуруринг эгмадику бош.  
Бұлсın бошқа ёр Йүлдош,  
Кетар бүлдим йироққа,  
Тепкиланған тупроққа.

Сен йиглама юлдузим,  
Энди йүкдир кундузим.  
Бу-ку охирги сұзим,  
Кетар бұлдым йироққа,  
Фарёд тұла тупроққа.

Софинганим бор,  
Софинганинг бор,  
Огринганим бор,  
Кетар бұлдым йироққа,  
Чанғ тұзонли тупроққа.

Кетсам, күз ёш тұқмангиз,  
Үғлим, деб фарёд чекмангиз,  
Гулім оқлар киймангиз,  
Кетар бұлдым йироққа,  
Куз ёш тұла тупроққа.

Қора ер бағрига олар,  
Армонли хотира қолар,  
Юрагим уришдан толар,  
Кетар бұлдым йироққа,  
Қоп-қора бу тупроққа.

## БЕТАКРОРИМ

Тонг отганда кулса юзинг,  
Ҳар кун кўрсам шаҳло кўзинг,  
Эшитсам кўп ширин сўзинг,  
Менинг бахтим, бетакрорим.

Кетма асло олис мендан,  
Қўраман рост ортиқ жондан,  
Қизғонаман ҳатто кундан,  
Менинг бахтим, бетакрорим.

Сен-ку борлигим, бахтимсан,  
Жилвакор кумуш тахтимсан,  
Адашмаган бир аҳдимсан,  
Менинг бахтим, бетакрорим.

Юрагимда сақлаганим,  
Кўзим нури, чақнаганим,  
Ҳар тун ойга мақтаганим,  
Менинг бахтим, бетакрорим.

## ГУЛЧЕҲРА

Не қилай ёқмасанг тош юрагимга,  
Нима ҳам дердим, бебош юрагимда.  
Севарсан балкида мени чин дилдан,  
Жой бўлмади, кечир буш юрагимга.

Чиройлисан тенги йўқ кимлар учун,  
Мафтункорсан мислсиз, лек ёқмас нечун.  
Муҳаббатинг самимийдир эҳтимол,  
Сеҳринг ҳатто билдирилас зарра кучин.

Қош-кўзинг кўрган бор парвона сенга,  
Кулгичларинг ут солар неча жонга.  
Қалбим сенга талпинмас узр, Гулчехра,  
Хафа булиб тўлдирима кўксинг қонга.

## ЖОНИМ ЖИЯНИМ

Не сабабдан келдинг-у, кетдинг дунёдан,  
Балки биздан-да эрта кечдинг рүёдан.  
Айтмагин асло менга ҳақиқатни ҳеч,  
Порлаб турарди ахир..., күзинг зиёдан.

Термуламан, топгум деб бирор изингни,  
Таним қулоқ, эшитсам битта сүзингни.  
Афсуски, орзуларим саробдир ҳар гал,  
Хатто тушда күрмадим жажжи юзингни.

Согиндим..., согинганим қувноқ кулгудир,  
Онажонинг бошида аччиқ қайгудир.  
Хурсанд эдик борингда, сен билан доим,  
Кулдинг, дод, кетар чогинг, - армон туйгудир.

Дийдорлашмай эшигдим сүнгти тилагинг,  
Уриб турарди ахир митти юрагинг.  
Тилагинг сароб эмас ушалар ишон,  
Үлма, кураш! Унутма бизга керагинг.

## Мундарижа

Мафтунингман .....	3
Мен ҳам мажнун .....	4
Маъюс кўзлигим .....	5
Йуликдим .....	6
Қанийди кўрсам .....	7
Акам .....	8
Моҳим .....	9
Мафтунга...!	11
Согинч азоби .....	13
Танладим .....	14
Менга қандай япашни ўргатманг .....	15
Юрагим йиглайди ёш йўқ кўзимда .....	16
Зебо .....	17
Барчадан кўркам .....	18
Бир томчи ёш .....	19
Кетар бўлдим .....	21
Бетакрорим .....	23
Гулчехра .....	24
Жоним жияним .....	25

**АДАБИЙ-БАДИЙ НАШР**

**Шоҳруҳ МИРЗО**

**МАФТУНИНГМАН**

**Шеърлар**

Муҳаррир: Ю. Зиёдов.

Техник муҳаррир: Ч. Раҳмонов.

Мусаҳҳих: Ю. Зиёдов.

Саҳифаловчи: Ш. Холмуродова

Муқова безакчиси: Ж. Норқобилов.

Нашиёт лицензия № АI 139, 27.04.2009 йил.  
Теришга 10.01.2013 йилда берилди. Босишига  
07.03.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84<sub>1/32</sub>.  
Офсет қофози. Times UZ гарнитураси. Офсет  
усулда чоп этилди. Шартли босма табоги 0,81.  
Нашир босма табоги 0,62. 14-2013-шартнома.  
14 буюртма. 100 нусхада. 28 бет. Эркин нархда.

«Насаф» нашиёти, 180118, Қарши шаҳри,  
Мустақиллик шоҳ кӯчаси, 22-й.

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖ босмахонасида  
чоп этилди. 180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик  
шоҳ кӯчаси, 22-й.

